

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА ФАРҚЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

М.М.Тилавова,
Бухоро ДУ

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлаётган ҳозирги кунда ўқув жараёнини шахснинг гендер тенглиги ва фарқлари асосида ташкил этиш масаласи ҳам педагогик жараённинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда ўқув-билув жараёнида гендер фарқлар ва ўзига хосликларни ҳисобга олиш, табиий педагогик ҳодиса сифатида эътироф этилмоқда. Бироқ дидактикада ушбу ҳодисанинг илмий талқини мавжуд эмас. Ўқув-билув жараёнида гендер фарқларга оид ўзига хосликларни ҳисобга олмасдан туриб, таълим натижасининг самарадорлигини таъминлаш мумкин эмаслиги бу йналишдаги мутахассисларга аён бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, педагогика фанида гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олиш тамойили устувор бўлиши керак. Бу устуворликни таъминлашнинг ўзига хослари қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

- ўқув материални танлашда ўғил ва қиз болалар орасидаги ўзига хосликни фарқлаш;
- ўғил ва қиз болаларнинг алоҳида ўзига хос фаолиятини ривожлантириш;
- муайян жинсга мос келадиган ўқув фаолиятини ташкил этиш;
- ҳар бир жинснинг ўзига хос фаолият турини шакллантиришга хизмат қиладиган ўқув материалларини танлаш;
- таълим жараёнида қатъий, дидактик жиҳатдан шаклланган гендер интерпретацияларини қўллашга йўналтирилган педагогик фаолиятни шакллантириш.

Таълим жараёнида ўғил ва қиз болаларга меҳнат таълими бериш ҳамда уларни касбга йўналтиришнинг барқарор педагогик тизимини вужудга келтиришда ўқувчиларнинг гендер жиҳатдан ўзига хос бўлган шахсий сифатларини қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун таълим жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

- ўғил ва қиз болалар орасидаги фарқларни нейтраллаштириш ва интерпретациялашга қаратилган ўқув ҳаракатларини ташкил этиш;
- уларни гендер ўхшашликни намоён қилиш руҳида тарбиялаш;
- ўқув жараёнида ўғил ва қиз болаларнинг алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатишини жорий қилиш;
- ўғил ва қиз болаларнинг шахсий қизиқишларига мувофиқ келадиган ўқув фаолияти турларини ташкил этиш;
- аниқ ўқув вазиятини ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатишни таъминлаш.

Ўғил ва қиз болаларнинг ҳар бири қандай бўлиши, қандай фаолият турини эгаллаши таълим сифатига боғлиқ.

Таълим жараёнида гендер ижтимоийлаштиришнинг муайян асоси, меҳнат тақсимооти ва жамиятда қабул қилинган маданий меъёрлар, ижтимоий фаолият турлари, уларнинг ижтимоий мавқеи орқали ифодаланади. Таълим жараёнида гендер ижтимоийлаштиришнинг муҳим белгилари сифатида ўқувчиларни касбга йўналтириш, ўқув меҳнатини тўғри тақсимлаш, уларда гендер хосликка асосланган шахсий сифатларни қарор топтиришдан иборат.

Ихтисослаштирилган таълим–ўқувчиларни гендер ижтимоийлаштиришнинг муҳим педагогик имкониятларидан биридир. Шунга кўра, ихтисослаштирилган таълимни ташкил этиш гендер педагогикасида муҳим масалалардан бири сифатида эътироф этилади. Бу муаммо таълим жараёнида гендер толерантлик тушунчасини тавсифлаш, уни шакллантиришнинг илмий асосларини жорий этиш, гендер толерантликни қарор топтириш жараёни моделини яратиш ва қўллаш билан боғлиқ.

Касбий жиҳатдан ўз-ўзини камол топтириш ҳар бир ёшда ўқувчиларнинг руҳий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бунда аниқ шакл ва методлардан фойдаланилади. Бу жараёнда ўқувчиларнинг шахсий имкониятлари ва қобилиятларини назарда тутиш, уларни касб танлашга йўналтириш, умумий, хусусий жиҳатларини аниқлаш ва ривожлантириш зарур. Ўқувчиларни касбни тўғри танлашга йўллаш, уларга меҳнат турлари, касблар тўғрисида билим беришни тўғри ташкил этишга қаратилган педагогик фаолиятни амалга ошириш лозим. Ўқувчиларни касб танлашга тўғри йўллаш натижасида, мактабда инновацион жараёнларни қўллаш имконияти кенгаяди. Бугунги кунга қадар педагогика фанида таълимни гендер тенглик ва фарқлар асосида ташкил этишга йўналтирилган ягона концепциянинг мавжуд эмаслиги бу жараёни янада долзарблаштиради.

Ўқувчиларда муайян жинсга мансублигидан қатъий назар индивидуал қизиқишлар ва қобилиятларни ривожлантириш зарур. Бунинг учун, энг аввало, ўқитувчи гендер сезгирликка эга бўлиши лозим. Бунда ўқитувчи ўғил ва қиз болаларга гендер таълим бериш жараёнида гендер методикасини қўллай олиши керак. Ўқувчиларнинг жинсига кўра, уларни касбга йўналтириш дастурлаштирилиши лозим. Ўғил ва қиз болаларнинг меҳнат андозалари, уй ишлари билан боғлиқ фаолиятлари барқарорлаштирилади.

Ижтимоийлаштириш институти сифатида мактаб ҳар иккала жинсга мансуб ўқувчиларнинг эгаллайдиган билимлари ва хулқ меъёрларига бир хилда талаблар қўяди. Бироқ амалда ўғил ва қиз болаларнинг ҳар бири учун қабул қилинган хулқ меъёрларида жиддий фарқлар кузатилади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, қизлар кўпроқ гуманитар йўналишни, ўғил болалар эса, техника, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик йўналишларини танлайдилар.

Мактаб дарсликларида бошланғич синфлардан бошлаб, ўғил ва қиз болаларга бўлган гендер муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган мақсад асосий вазифа сифатида эътироф этилиши керак.

Дарс жараёнида ўқитиш методлари, ўзаро муносабатлар доираси ўқувчиларнинг гендер ижтимоийлашувига таъсир кўрсатади. Ўқитувчилар таълим жараёнида ўғил болаларнинг ўзини намоён этишда фаоллиги, ҳаракатчанликларини, қизларнинг эса итоаткорлиги, ҳаё-иболилиги, тиришқоқлиги, озодаликларини қўллаб-қувватлайдилар.

Таълимда гендер тенглик тамойилларининг ўйин машғулотлари ва эркин фаолият кўрсатиш муҳитида амалга оширилиши таъминланади. Бунда ўзаро ҳурмат ва мулойимлик устуворлик қилади. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро ҳамкорликда ўзгаришларни режалаштирадилар, муваффақиятларни назорат қилиб, рағбатлантирадилар, мавжуд муаммоларни муҳокама қилиб, уларни ҳал этиш чораларини излайдилар. Шунинг учун ҳам ўқув жараёни очиклик, мослашувчанлик, илғор тажрибалардан фойдаланиш ва муқобил ечимларни излашни тақозо этади. Бу эса танқидий фикрлаш, ижод эркинлиги ва инсоний сифатларни қадрлашга ундайди.

Ота-оналар томонидан бошланган ўғил ва қиз болаларни ижтимоий шакллантириш жараёнини, уларга хос бўлган фаолият турини қарор топтириш мактабда, биринчи навбатда, меҳнат дарсларида давом эттирилади.

Ўқувчиларга гендер тенглик ва фарқлар асосида таълим-тарбия беришда ўқитувчининг шахсий намунаси, нутқи, хатти-ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга эга. Ўқувчилар гендернинг турли шакллари тўғрисидаги маълумотга эга бўлишлари учун мақсадга мувофиқ келадиган ахборот муҳити яратилиши зарур. Ўқув жараёнида гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олган ҳолда, интерфаол таълим методларини қўллаш, кўргазмалар, стендлар, плакатлар, аудио ҳамда видеовизуал воситалардан фойдаланиш имконини берадиган таълим муҳитини яратиш лозим.

Бироқ, бугунги кунда ўқитувчиларда гендер тушунчасидан хабардорлик етарлича шаклланмаганлигини кузатиш мумкин. Ўқитувчиларда гендер хабардорликни қарор топтириш учун олий ўқув юртларида бўлажак педагогларни гендер педагогикаси сирларидан воқиф этиш зарур.

Ҳозирда умумжаҳон миқёсида ижтимоий вазифалар ва бу вазифаларнинг гендер тақсимланиши орасида номутаносиблик мавжуд. Умумий меҳнат фаолияти ва умумий таълим олиш ўғил ва қиз болалар руҳиятига ҳам таъсир кўрсатади. Чунки жамиятда эркаклар ва аёлларга хос касблар мавжуд, оилаларда ва таълим жараёнида ўғил ҳамда қиз болаларнинг вазифалари орасида фарқлар ажратилиши керак.

Мактабларда гендер таълимни ривожлантириш натижасида, жинсларнинг тенг ҳуқуқ, бир хил меҳнат қилиш ва мажбуриятлари, ўғил бола ҳам, қиз бола ҳам хоҳлаган йўлини ўзи танлаш ҳуқуқига эгаллиги ўқувчилар онгига сингдирилади. Ўқувчиларнинг ижтимоий гендер таълимни тушуниши ва унда иштирок этиши учун ўқитувчининг гендер педагогикасига оид билимлари етарли бўлиши лозим. Шунингдек, ўқитувчида гендер тарбия ва таълим технологиялари, болаларни ижтимоий гендерлаш шарт-шароитлари мужассам бўлган махсус илмий дастур яратилиши шарт.

Педагогикада янги йўналишни ишлаб чиқиш натижасида, табиийки, янги атама ва тушунчалар пайдо бўлади.

Таълимда гендер ўлчов тушунчаси ўқитувчиларнинг таълим-тарбия бериш йўлидаги интилишлари натижасида, ўғил ва қиз болаларнинг ҳолати ва ривожланиши, ўзлигини англаши ва келажакда ўз олдига қўйган мақсад ҳамда вазифалари, қайси жинсга мансуб бўлишидан қатъий назар, жамиятдаги мавқеини англатади.

Таълим жараёнида гендер ёндашувни қўллаш ўғил ва қиз болаларни келиб чиқишидан қатъий назар, ижтимоий вазифаларини тўғри англайдиган, жинсларнинг фарқи оид эски қарашлардан холи ўзига хос шахс сифатида тарбиялаш ҳамда ривожлантиришга катта ёрдам беради.

Ўз маъноси жиҳатидан гендер таълим-тарбияга яқин бўлган “жинсий таълим-тарбия”, “жинсий-ижтимоий таълим-тарбия” атамалари мазкур сўзнинг маъносини тўлиқ ифодаламайди. Зеро, бу атаманинг моҳияти анча кенг ва серқиррадир.

Таълим жараёнида гендер ёндашувни муваффақиятли қўллаш учун педагогик антропологияга таяниш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларга гендер тенглик ва фарқларни ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия беришда гендер антропологиясига ҳамда гендернинг психологик жиҳатларига таяниш кутилган самарадорликка эришиш имкониятини беради.